

Товламачининг “товланишлари”

Янги тонгни кимдир режалаштирган эзгу ишларини амалга ошириш, савобли ишлар қилиш, жамият ва халқ манфаатларига хизмат қилишдек хайрли ниятлар билан қарши олади. Бу амалларни бажариш учун инсондан меҳнат, матонат, ирода, сабр-тоқат талаб қилинади. Аммо яқунда одам чеккан машаққатига яраша ҳузур-ҳаловат топади ва қилган ишидан қониқиш ҳисси уни янгидан-янги эзгу амаллар қилишга ундайди. Инсонларнинг рисоладагидек яшаш тарзида меҳнат ва унинг роҳати шу тариқа мутаносиб равишда ўрин эгаллаган. Яна кимдир тонгни меҳнатсиз роҳат топишнинг минг бир йўллари кидириб топиш ва унга етишиш учун яна минг бир режаларни тузиш билан қарши олади. Афсуски, иккинчи тоифадаги инсонлар ўз ниятларига етиши учун жамиятда мавжуд қонун-қоидаларни бузиш ёки йиллар давомида шаклланиб келаётган кадрятларни поймол қилиш, ҳеч бўлмаганда, кимнингдир инсоний фазилатларини суиистеъмол қилишдек тубан ишларни қилишларига тўғри келади. Чунки меҳнатсиз роҳатга эришиш ҳаёт мантиғида назарда тутилмаган. Бу тоифадаги инсонларнинг “меҳнат”и орқасида виждон, жамият ва қонун олдида жавоб беришдек мушкулот мавжудлигини била туриб ҳам айрим инсонлар иккинчи йўлни шайтон билан бўлишмоқчи бўлишади. Ҳикоямиз қаҳрамони ҳам иккинчи йўлни танлаб, оқибатда ўз виждонини кийноққа қўйди, таниш-билишлари олдида уятга қолди, қонун олдида жавоб беришга тўғри келганда эса қилган ишидан пушаймон эканлигини айтиб зорланди. Аммо “Сўнги пушаймон – ўзинга душман” деганларидек, меҳнатсиз роҳат топишнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини англаб етганида кеч бўлган эди.

2014 йил 22 апрель куни ўзи раҳбарлик қилаётган “Proriv Super Star” МЧЖнинг ҳисоб рақамига 20 млн. сўм миқдорида нақд пул маблағини АТ “Ипотека банк”нинг Юнусобод туман филиалига қўйиш учун келган Баҳодир Норқуловни *(қаҳрамонларнинг исми-шарифи ўзгартирилган)* кўрган Алишер Жўраевни “шайтон йўлдан уради”. А.Жўраев Б.Норқуловнинг ишончига кириб, унга шу 20 млн. сўм нақд пул маблағини берса, гўёки ўзига тегишли бўлган, аслида шу банк миждози бўлган К.Раҳимов раҳбарлик қилаётган “Usta Sirin Savdo” МЧЖнинг ҳисоб рақамидан шунча миқдордаги пул маблағини “Proriv Super Star” МЧЖнинг ҳисоб рақамига бир ой муддатда моддий ёрдам тариқасида ўтказиб беришини ва бир ойдан кейин 20 млн. сўм пул маблағини унга қайтариб беришга ишонтириб, фуқаро Б.Норқуловнинг 20 млн. сўм нақд пул маблағини қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

Шунингдек, А.Жўраев ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2014 йил 20 август куни АТ “Ипотека банк” Юнусобод туман филиалида “Азизкомюсуф” МЧЖ тугатилаётганлиги сабабли, унинг ҳисоб рақамида бўлган 24 млн. 300 минг сўм пулларни ўзининг пластик карточкасига ўтказиб олиш мақсадида келган банкнинг миждози Б.Ашуровнинг ишончига кириб, унга ушбу пулларни ҳамда ёнидаги 3 млн. 400 минг сўм пулларни бир ҳафта ичида қайтариб бериш шарти билан олиб, фуқаро Б.Ашуровдан фирибгарлик йўли билан қўлга киритган жами 27 млн. 700 минг сўм миқдордаги пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

“Иш”ларининг бароридан келаётганидан “илҳом”ланган А.Жўраев яна бир жиноий ишга қўл уради. 2010 йилнинг 10 октябрь куни соат тахминан 17:00да Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган “Сетор” тўйхонаси олдида таниши А.Қосимовнинг ишончига кириб, ўзининг АТ “Ипотека банк” Юнусобод туман филиалида

ишлаётганлигини айтиб ишонтириб, ушбу банк орқали учта пластик карточкага 2 минг АҚШ долларида жами 6 минг АҚШ доллар пулни тушириб беришни ваъда қилиб, ундан жами 14 млн. сўм миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

А.Жўраевнинг мазкур жиноятлари 2016 йил 27 июнь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судида кўриб чиқилди. А.Жўраев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни қилганликда айбдор деб топилган ва унга шу моддага асосан 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Халқимизда “бузоқнинг югургани сомонхонагача”, деган нақл бор. А.Жўраев ҳам рисоладагидек яшаш тарзини танлаганида бугун фарзандларининг, қариндош-уруғларининг, таниш-билишларининг олдида ноқулай аҳволда қолмаган, юзлари қизариб, боши эгилмаган бўларди. Вақт югурик. Жазо муддати ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетар. Аммо у “фирибгар”, “товламачи” деган тамғани бир умр “кўтариб” юришига тўғри келади. Афсус!

Ф.Очилов,
Учтепа туман прокурорининг ёрдамчиси.